

А Ж Р И М

2021 йил октябрь ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, ўз биносида очик суд мажлисида,

Раислик этувчи судья: Р.Рахманов,

судья ёрдамчиси Ж.Шариповнинг суд мажлиси баённомаси юритувида, тарафлардан Миробод туман прокурори ёрдамчиси Ш.Толибжонов, жабрланувчи С.С, айбланувчи Р.Б ва унинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилувчи “Ходжиакбар Нимоуа” адвокатлик бюроси адвокати Д.Шукуровнинг иштирокида, О.Имамованинг таржимонлигида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган:

Р.Б.Д (R.B.D), 1981 йил 6 июнь куни Бухоро вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 13-даха, -уй, -хонадонда истиқомат қилади,

1-1002-2104/-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Р.Б 2021 йил 10 февраль куни соат 14:00 ларда, бошқарувидаги “EQUINOX” русумли, давлат рақами автомашинасида, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, С.Азимов кўчаси бўйлаб бошқариб бориб, “Корзинка” савдо мажмуаси қаршисида “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди, 11-банди “Г”-қисм 77-банди 3-қисми, 96-банди яъни, “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаркатланишига хавф туғдирмасликлари керак”, “ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши”, “ҳаркатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” “чапга ёки ўнгга бурилаётган ҳайдовчи кесишаётган йўлнинг қатнов қисмидан ўтаётган пиёда(лар)га, шунингдек велосипед йўлкасидан йўлни кесиб ўтаётган велосипедчи(лар)га йўл бериши керак” деб кўрсатиб ўтилган талабларига амал қилмасдан, чап томонга қайрилиб олиш манёврени бажара туриб, у билан бир йўналишда ҳаракатланиб ўзига нисбатан чап томондан ўнг томонга йўлни кесиб ўтаётган пиёда С.Сни автомашинасининг олд чап томони билан уриб юборган, натижада С.С тан жароҳати олган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 17 февраль кунидаги №-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, С.Снинг танасида тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, оғирлик даражасига кўра “енгил” тан жароҳатлар



тоифасига кириши аниқланган.

Судланувчи Р.Б суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқдор эканлигини, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, ҳозирда жабрланувчи С.С билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи С.С суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Р.Бга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хохиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазийқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини, яъни у Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талаблари билан танишиб чиққанлигини ва ушбу талаблар билан тўлиқ рози эканлигини, улар ўртасидаги ярашувни тасдиқлаб, Р.Бга нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатма бериб ўтди.

Суд, жиноят иш ҳужжатлари, жабрланувчининг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризалари билан танишиб, ишда қатнашаётган прокурор хулосаси ва ҳимоячи Р.Бга нисбатан жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги музокорасини эшитиб, ярашув ихтиёрийлигини, айбланувчи ўз айбига тўлиқ иқдорлигини, жабрланувчининг айбланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, айбланувчи ва жабрланувчининг аризаларини ихтиёрий равишда ёзганликларини, улар ярашувга рози эканликларини инобатга олган ҳолда Р.Бга нисбатан жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, айбланувчининг айблилик масаласини ҳал этмай, томонлар ярашуви муносабати билан жиноят ишини ҳаракатдан тугатиб, Р.Бни жиноий жавобгарликдан озод қилишни ва жабрланувчи томонга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисми талабларини тушунтиришликни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-модда 4-қисми, 423, 582, 583, 585, 586-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Р.Б.Д га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатилиб, у жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи С.Сга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талаблари тушунтирилсин.

Ажрим устидан тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, айбланувчи ва жабрланувчи эса ажрим нусхасини



олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Тошкент шаҳар умумий юрисдикция суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

Р.Раҳманов

Ҳужжат имзоланган: Раҳманов Рустамжон Нуъманович, 12.11.2021

